

Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг мақсади, вазифаси ва ҳуқуқий асослари



Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари шароитида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устиворлиги, қонунларнинг устунлиги, ҳуқуқ ва одил судловни тўғри амалга оширишга қаратилган қоидалар ўз ифодасини топган бўлиб, унинг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланиши алоҳида ҳуқуқий меъёр сифатида ва суд ҳокимиятининг бошқа давлат органларидан устунлиги белгиланган.

Президент И.Каримов инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устивор бўлиши кераклиги, давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этажagini, фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгайтириш даркорлиги, айрим тармоқ қонунларида ҳуқуқлари паймол этилган фуқароларнинг шикоятларини судлов йўли билан эмас, маъмурий йўл билан кўриб чиқиш тартиби учраб туришлиги, бу ҳол Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ва бизнинг Конституциямиз талабларига зидлиги, фуқаро, агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмоғи даркор¹, деб кўрсатиши суд ҳокимиятига нисбатан бўлган муносабатни ўзгартириш лозимлигидан далолат беради².

Суд манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан одил судловни амалга оширади, унинг одил судловга қаратилган фаолиятини фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунларга мослаган ҳолда, судга тааллуқли бўлган фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган даъво талабларига оид ишларни, низосиз бўлган алоҳида тартибда кўриладиган ишларни ҳамда давлат идоралари, бошқа идоралар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган ариза ва шикоятларни кўриш тўғрисидаги ишлар бўйича қонуний асослантирилган, адолатли ҳал қилув қарори чиқариш билан амалга оширилади.

Фуқаролик суд юритишининг мақсад ва вазифалари процесс иштирокчиларининг бузилган моддий ва процессуал ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва

* Юридик фанлар доктори, профессор

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., “Ўзбекистон”, 1995, 23-24 бетлар.

² Шорахметов Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Т., “Адолат”, 2001, 5-6 бетлар.

шу билан фуқароларни қонунлар, ҳуқуқий меъёрларнинг бажарилишига онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашни назарда тутди. Суднинг одил судловни амалга оширишга қаратилган фаолияти, кўрилиши лозим бўлган масалани тўғри ҳал қилиш учун манфаатдор шахсларга қонунда кўрсатилган процессуал ҳаракатларни татбиқ этиш билан ғайриқонуний ҳаракат қилган тарафга нисбатан давлатнинг мажбурлаш кучини қўллаш ва тегишли фуқаролик ишларининг ечимини топиш муаммолари тушунилади³.

Қонунда белгиланганидек, фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўриладиётганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этади. Прокурорларнинг бу фаолияти прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади⁴. Фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларда прокурор ваколатини малакали таъминлаш, судларнинг ноқонуний қарорлари устидан протест келтириш бу соҳадаги прокурор фаолиятининг асосий вазифасидир. Фуқаролик ишларининг судда кўрилишида прокурор ваколатини таъминловчи прокурор фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан қонуний ва асосли қарорлар чиқарилишига эришиш орқали одил судловни амалга оширилишига кўмаклашади.

Фуқаролик суд ишлари юритилишида прокурор ваколатлари: - фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланган шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, давлат, жамият ва хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоялаш; -қонунда назарда тутилган ёки суд ишда прокурорнинг қатнашиши зарур деб топган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруғида белгиланган ҳолларда барча суд инстанцияларида прокурор ваколатини самарали таъминлаш; -прокурор иштирокисиз кўрилган ишлар юзасидан суд қарорларининг қонунийлигини апелляция муддатида ўрганиб, ноқонуний суд қарорларини шу босқичда қонунга мувофиқлаштириш чораларини кўриш; -қонуний кучга кирган суд қарорларининг қонунийлигини аризаларга асосан ўрганиш ва аниқланган қонунбузилишларни бартараф этишга йўналтирилган⁵.

Фуқаролик процессида қонунчиликка риоя қилиниши юзасидан ва одил судловни амалга оширишда судга кўмаклашиш мақсадида прокурор Фуқаролик процессуал кодексининг 34,46,47 ва бошқа моддаларида белгиланган процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади.

Прокурор фуқаролик ишини кўзғатишга, процесснинг бошланишида кўзғатилган ишга киришишга, иш материаллари билан танишишга, улардан кўчирмалар ва нусхалар олишга, четлатиш тўғрисида арз беришга, далиллар тақдим этишга, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, даъвогар, жавобгарлар ва ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга одил судловни амалга

³ Шорахметов Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Т.,Адолат, 2001, 7 бет.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Қонуни “Прокуратура тўғрисида”, 2001 йил 29 август, 4, 33 моддалар.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида»ги 2004 йил 11 майдаги 22-сонли буйруғи.

оширишда кўмаклашувчи шахсларга саволлар беришга, далилларнинг текширилишида иштирок этишга, илтимос қилишга, судга оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар беришга, иш мазмуни бўйича, шунингдек, ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича судга ёзма ва оғзаки фикр беришга, ваз ва мулоҳазаларни баён қилишга, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимос, ваз ва мулоҳазаларига қарши эътирозлар билдиришга, суд мажлиси баённомаси билан танишиб, баённомага изоҳлар беришга ҳақлидир.

Шунингдек, суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори ва ажримлари устидан апелляция протестини билдиришга ва апелляция ишига оид янги материаллар топширишга, протестни ўзгартириш, тўлдириш, чақириб олишга, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва ажримларига кассация тартибида протест келтиришга, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари қонуний кучга кирган ишларни назорат тартибида кўриш учун талаб қилиб олишга ва назорат тартибида протест киритишга, ишнинг апелляция, кассация ва назорат тартибида кўрилишида иштирок этишга, протестни қувватлашга, суд раислари томонидан келтирилган протестлар юзасидан фикр беришга, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорларини, ажримларини ва қарорларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайтадан кўриш тўғрисида илтимослар қилишга, суд ижрочисининг ва қарорларни ижро этувчи бошқа органларнинг нотўғри ҳаракатлари бўйича протест келтиришга, шунингдек, ФПКнинг 19, 310, 330, 346, 351, 364-моддалари ва «Прокуратура тўғрисида»ги қонун бўйича берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.

Прокурорнинг процессуал ҳуқуқлари процессда иштирок этиш шаклига қараб белгиланади. Прокурор ўз ташаббуси билан ариза берса, уни нусхалари билан судга топширишга, ўз талабларини исботлашга мажбур. Бундай ҳолларда прокурор жавобгар тараф билан судда тортишади. Судда биринчи бўлиб сўзга чиқади, талабдан воз кечиши ҳам мумкин. Ишда даъвогар тараф каби процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади. Бироқ, прокурор манфаати кўзланган шахснинг ўрнига ўтмайди, бу шахс ишда даъвогар бўлганича қолади. Прокурор талаб қилувчи тарафнинг баъзи ҳуқуқларидан фойдалана олмайди, жумладан, прокурор жавобгар тараф билан келишув битими туза олмайди, прокурорга нисбатан муқобил даъво қўзғатиш мумкин эмас, прокурор суд божи тўламайди ва ҳоказо.

Прокурор фуқаролик иш юритувининг ҳамма босқичларида қонун бузилиш ким томонидан бузилганлигидан қатъи назар ўз вақтида уларни бартараф қилиш чораларини кўриши шарт. Унинг ўзи қўзғатган талабидан воз кечиши ёки арз қилган талабларини ўзгартириши манфаатини ҳимоя қилиш учун прокурор даъво қўзғатган шахсни суддан ишни мазмунан кўришни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Прокурор ишда қандай шаклда иштирок этса ҳам, у ҳамма вақт суд фаолиятини эмас, балки судда қонуннинг бажарилиши устидан ўз ваколатини таъминлайди ва одил судловни амалга оширишда кўмаклашувчи шахс бўлиб қолаверади. Шу сабабли прокурор процессда қайси томоннинг ҳуқуқини ҳимоя қилишига қарамай, процессда қайси тарафнинг ҳуқуқи бузилса, барча ҳолларда ана шу қонун бузилишига

муносабат билдириши лозим. Бундан ташқари прокурор, даставвал тутган йўлидан қатъи назар, судда низо кўрилганидан сўнг оқибатда ҳақли чиққан тарафнинг манфаатини ҳимоя қилади, яъни ишнинг судда кўрилиши натижасида талабнинг асоссизлиги аниқланса, прокурор ундан воз кечиб, даъвогарнинг талабини рад қилишни суддан сўрайди ва шу билан жавобгарнинг ҳуқуқини ҳимоя қилган бўлади⁶.

⁶ Шорахметов Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Т., "Адолат", 2001, 75-76 бетлар.